



e-mail: xxi_asr@umail.uz



ASR IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

15-OKTYABR
2020-YIL
39 (881)



web sayt: www.21asr.uz



@XXlasrofficial

21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни

Ушбу сонда:

КЕЛИННИ ЭМАС,
КУЁВНИ ТАНЛАШ
КЕРАК!

5

ҚАРЗ ОЛИШ ОСОН,
МАҚСАДЛИ
САРФЛАШ ВА
ҚАЙТАРИШ ҚИЙИН

6

ЁШЛАР
ПАРЛАМЕНТИ
НЕГА КЕРАК
БҮЛДИ?

8

ДЕПУТАТ
ТАНЛАШДА
АДАШМАБМИЗ

10

БУВАЙДАДА
СУЮНЧИ ПУЛИ
БЕРИЛМАЙДИМИ?

12

ОБУНА 2021


"XXI asr" газетасига
2021 йил учун обуна
давом этмоқда!



Обуна индекси – 406
Мурожаат учун телефон:
71 255 68 50.

Одамларда
тафаккур кучи
ортгани сари
тасаввур кучи
камайиб бормоқда.
Завқ-шавқ ўрнини
совуқ ҳисоб-китоб
эгалламоқда.
Ақл ва юрак
баҳсида ҳиссиёт
енгилиб, қуруқ
мантиқ фалаба
қилмоқда.
Бу жамият учун
хатарли ҳол.
Ўзбек асияни
унутса, дўстона
ҳазилларни
эсдан чиқарса,
сўзнинг
латофатини
англамай қолса,
бу фалокатдир.


9 ➤



Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

Энди почтани кутиб
үтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг
электрон версиясига
обуна бўлинг.
Бунинг учун
телефонингизга
"PlayMarket" дан
"XXI asr" иловасини
юклаб олиб, "газета"
тугмачасини босиш
орқали электрон тўлов
қилишингиз лозим.

Арzon,
Қулай ва
тезкор!



О'зLiDeP фракциясида



ҚОНУН ЛОЙИХАСИ нега кун тартибидан чиқарилди?

**Бугунги кунда
хонадон ва
ташкилотларда
ҳосил бўлаётган
маиший
чиқиндиларнинг
19 фоизи қайта
ишланмоқда.
Қолгани амалдаги
тартибга мувофиқ,
маиший чиқиндилар
учун мўлжалланган
мавжуд 221 та
полигонга
жойлаштирилиши
лозим.**

Шунга қарамай, фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан маиший чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш ҳолати ортиб бормоқда. Айни ҳолат бўйича 2017 йилда 3 144, 2018 йилда 5 543 ва 2019 йилда 13 948 та маъмурний ҳукуқбузарлик қайд этилиб, 4,4 млрд. сўм микдорида жарима ундирилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида бу ҳақда маълум қилинди.

Йиғилишда дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурний жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, кейинги йилларда республикамизда турли соҳа ва тармоқларда, шунингдек, шахсий уй-жойларда қурилиш ва таъмирлаш ишларининг кўлами ниҳоятда кенгайган. Шу боис катта миқдорда қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлмоқда.

2019 йилнинг ўзида 1,8 млн. тонна қурилиш чиқиндиси ҳосил бўлган. Тошкент шаҳрида 200 минг тонна, Самарқанд вилоятида 124 минг тонна,

Андижон вилоятида 108 минг тоннани ташкил этган.

Халқ вакилларининг айтишича, ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурний жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91¹-моддаси (Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларни ташлаш, шунингдек, суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш) санкциясидаги жарима миқдорларини ошириш, шу билан бирга, модданинг иккинчи қисмига ҳукуқбузарликни содир этиш қуроллари ва ашёларини мусодара қилиш жазосини киритиш таклиф этилмоқда.

Ушбу таклиф муҳокамасида фаол қатнашган фракция аъзолари бир қатор фикр-мулоҳазалар билдиришиди, таклифларни илгари суришиди. Жумладан, “Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший ва қурилиш чиқиндиларни ташлаш ҳолатлари юзага келгандан фуқаронинг ҳукуқбузарлик куроли ёки ашёсини мусодара қилиш қанчалик тўғри бўлади, аслида ҳамма жойда махсус кути қўйилганми?” деган савонни ўртага ташлашди.

Афуски, бу саволлар очиқ қолди. Фракция аъзолари шу боис ушбу қонун лойиҳасини кун тартибидан чиқарди.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Ноилар таъкидлашди, мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2020 йил 2 марта даги тегишли фармони билан тасдиқланган. Давлат дастурининг тегишли бандларига мувофиқ ҳамда парламент олдига қўйилган вазифалардан

келиб чиқиб, Олий Мажлис палаталари томонидан Сенатнинг назорат фоалиятини тақомиллаштириш ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг дахлсизлик кафолатларини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси билан “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”, “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунлар ва Бюджет кодексига ўзгартишлар киритиш нazarда тутилмоқда.

Ҳужжат қабул қилинса, маҳаллий кенгашлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги таъминланади, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари фоалияти самарадорлиги ошади. Давлат бюджети маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланиши устидан таъсиран ва тўлиқ парламент назоратини амалга ошириш учун шароит яратилади.

Фракция аъзолари қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишининг ишончли механизмини яратиш партия депутатларини таъсурий вазифаси эканини қайд этиб, таклиф этилаётган қонун лойиҳасини кўллаб-кувватлади.

Йиғилишда фракция ваколатларига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбери**

Кўнгилларга қулок тутайлик

Дилбар УСМОНОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси



Янгиланаётган Ўзбекистоннинг муҳим таянчи – ёшларимиз ва хотин-қизларимиз ҳисобланади. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини юксалтиришга интилаётган эканмиз, бу саъи-ҳаракатларимизни фаол, ўз кучига ишонган, ҳар томонлама баркамол ёшлар ва аёлларсиз тасаввур қила олмаймиз.

Аммо тан олишимиз керак, ишсиз, ҳунарсиз, ҳатто яккаланиб қолган, ҳалқ тили билан айтганда, уюшмаган ёшлар, аёллар қатлами ҳам мавжудки, уларни четга суриб қўйиб, олдимизга қўйилган олижаноб мақсадларимизга эриша олмаймиз.

Хўш, қандай қилсак, бундай фуқароларимизни фаол, ўз позицияси ҳамда мақсадлари сари дадил қадам ташлаётганлар сафига кўша оламиз?

Президентимиз раислигида 8 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида айнан шу муаммолар таҳлил қилинди ва бу борада мутлақо янги тизим яратилиши хусусида фикр юритилди.

Жумладан, эндиликда “темир дафтар”дан фарқли улароқ, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” шакллантирилади. Мақсад ёшлар ва аёлларни фақат билимли, ҳунарли, касбли ва ишли қилишгина эмас, балки уларда мотивация уйғотиш, яъни эртанги кунга ишонч, яшашга иштиёқ ва юртга муҳаббатни шакллантиришдир.

Йиғилишда мутасаддиларга ушбу тизимнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиш ва мамлакатимиздаги 28 та ҳудудда синовдан ўтказиш вазифаси юклатилди. Бинобарин, бу масала парламентни, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини ҳам фоаликка ундумоқда.

Қолаверса, партияни издастурнида ҳам ёшлар ва хотин-қизлар масаласига катта эътибор қаратилган. Айниқса, касаначиликни

ривожлантириш, уй меҳнати билан машгул аёлларга шарт-шароитлар яратиш, якка тартибдаги тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш асосий мақсадларимиз қилиб белгиланган.

Худудларга бориб, сайловчилар билан юзма-юз учрашганимда кўнглидагини очишга ийманиб, ўз муаммоларини яшираётган кўплаб аёлларга дуч келганман. Баъзи ёшлар эса муаммоси бўлса-да, ҳеч кимдан мадад сўрамасдан, ёлғиз ҳаракат қилишни афзал кўради ёки хорижга чиқиб кетмасам, бу ерда иш топа олмайман деб ўйлади. Факат тирикчилик учун етадиган даромад топаётган ана шундай ўғил-қизлар орасида иқтидорлилари, кашфиётлар яратишга қодирлари жуда кўп. Ёшлар ва аёллар дафтари шакллантирилаётганда бу масалаларга ҳам катта эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайман.

Шунингдек, бу ёшлар ва аёлларда мотивация уйғотиш учун ўз меҳнати, иродаси билан катта ютуқларга эришган машҳур шахслар билан учрашувлар ташкил этилса, уларга четтили, касб-ҳунар ва тадбиркорликни ўргатадиган аудио ва видео материаллар тайёрлаб тарқатиш ўйлга қўйилса, назаримда, яхши самара беради.

Ва албатта, бу борада биз депутатлар ҳам янада ташаббускор ҳамда юқори салоҳият билан фоалият олиб боришими зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

“Ишбилармон аёл - 2020”: республика босқичига ким даъвогар?

Мунис аёлларимизнинг кўли етмаган соҳа йўқ ҳисоби. Ҳар бир ишга меҳру муҳаббатини, маҳорат ва истеъодини жо этиб, маромига етказадиган опа-сингилларимизнинг меҳнатини қадрлаш, уларнинг бой тажрибаларини оммалаштириш Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг доимий диккат марказида.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови ана шу мақсадда ташкил этилган эди. Жойларда, айниқса, энг чекка худудларда, томорқадан даромад олиш усусларини ўргатиш, оиласи тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга йўналтирилган мақсадли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунда барча тадбирлар партия “Аёллар қаноти” фаоллари, депутатлар, тажрибали тадбиркорлар иштирокида Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови ана шундай лойиҳалар сирасига киради.

Шу кунларда жойларда ушбу кўрик-танловнинг вилоят босқичлари бўлиб ўтапти. Унда туман миқёсида ўтган танловда голиб бўлганлар иштирок этиб, вилоят биринчилигини кўлга киритиш ва республика босқичида иштирок этиш учун беллашмоқда.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Хеч ким эътибордан четга қолмагу

Қорақалпогистон Республикаси босқичида шаҳар ва туманларда бўлиб ўтган саралашларда голиб бўлган 17 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этиб, ўзларининг маҳсулотлари кўргазмасини намойиш этишиди.

нафар тенгдошимни иш билан таъминладим.

Фаолиятимни янада кенгайтириш мақсадида бу йил 200 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб “Шоманай – Шаменай” МЧЖни ишга туширдим. Корхонамда бугунги кунда 13 нафар хотин-қиз доимий иш билан банд.

етиширияпти. Бўш турган бинони олиб, савдо, майший ва тиббий хизмат кўрсатиш хизматларини йўлга кўйди. Айниқса, ҳозирда “COVID-19”га чалингн-чалинмаганини аниқлаш учун мурожаат қилаётган мижозлар бу ердаги сифатли текширудан мамнун.

Танловда иштирокчиларнинг ҳар бири ўзгача иқтидор, салоҳиятини намойиш этаётган бўлса-да, улар орасидан энг ишбилармонини танлаб олиш жоиз. Бу кўрикнинг асосий шартларидан саналади.

Шундай ҳам бўлди: 3-ўрин Хўжайли туманидаги “Зулфия – Асаматдин” фермер хўжалиги раҳбари З. Асаматдиновага, Шуманай туманидаги “Шоманай – Шаменай” МЧЖ раҳбари Ш. Юсупбаевага, Қонликўл туманидаги “Қонликўлли Тазагул” МЧЖ раҳбари Т. Тўремуратовага насиб этиди.

2-ўринга “Текстиль Дилором” хусусий корхонаси раҳбари, тахиатошлиқ Д. Сабирова ва “Арзу” фермер хўжалиги раҳбари, кегейлилиқ П. Салиева муносиб топилди.

1-ўринни эса Чимбой туманидан иштирок этган “Ақылбекова Гулнар” фермер хўжалиги раҳбари Г. Ақылбекова эгаллади ва унга танловнинг республика босқичида иштирок этиш хукуқини берувчи йўлланма тақдим этилди.

Бундан ташқари, бешта номинация бўйича ҳам ишбилармон аёллар мөхнати баҳоланди. Барча иштирокчиларга партиянинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.



Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчини иш фаолияти, билим-тажрибаси ва танлов талблари бўйича холис баҳолаб борди.

Шуманай туманидан келдим, – дейди танловнинг энг ёш иштирокчиси “Шоманай – Шаменай” МЧЖ раҳбари Шаҳрибану Юсупбаева. – Дастреб уйда пишириқ тайёрлаб сота бошладим. 2019 йил эса 25 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, тикув цехини йўлга қўйдим. 4

Пандемия даврида ҳам иши миз тўхтагани йўқ. Карантин қоидаларига амал қўлган ҳолда ишлягпиз. Йилнинг якунига қадар яна 26 нафар тумандошимни сафимизга олиш, шу билан бирга, уйда ишсиз ўтирган 65 нафар хотин-қизни қайта касбга ўқитишни режа қўлганмиз.

Чимбойлик танлов иштирокчиси Гулнур Ақылбекова эса “Ақылбекова Гулнур” фермер хўжалигини ташкил қилиб, айни пайтда қизилмия илдизини



НАВОЙИ

“Ёш деманг бизни”

“Ишбилармон аёл”нинг Навоий вилоят босқичида эса 23 ёшли Мерей Аманбаева республика босқичига йўлланма олди. Қандай қилиб дейизми?

“Чингизхон – Мерей” МЧЖ раҳбари Мерей ёш бўлишига қарамай, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик ва фермерликни яхши йўлга кўйган. Энг кўп доимий иш ўрни яратган. Аҳолига хизмат кўрсатиши, қишлоқ шароитида ишлаб чиқаришини ривожлантириш борасида намуна бўла олган.

Тақдим этилган ҳужжат, видеолавҳа ҳамда

энг ёш иштирокчи бўлиши тахмин қилинаётган Мерей экспорт-импорт салоҳиятни оширишда тадбиркорларга кўмаклашиш учун консалтинг маркази ташкил этишини ҳам режалаштирган.

– Бир неча ойга чўзилган карантин сабабли иштирокчилар масаласида ўринсиз таҳликага тушган эканмиз. Аксинча бу йилги иштирокчиларимиз янада шижаотли ва тажрибали чиқди, – дейди O’zLiDeP Навоий вилояти Кенгаши аёллар масалалари бўйича бўлим бошлиғи Шалола Шокирова.

Танлов низомига кўра “Замонавий ташаббускор аёл”, “Йилнинг муруватли ишбилармон аёли”, “Қиши



фотожамланмалар асосида ҳолатни жойига бориб ўрганган ҳакамлар ҳайъати Мерейнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, инновацион режалари нақадар теранлигига қойил қолишиди.

Йилқиличик, балиқчилик, хусусий боғча фаолияти ва жамоат ишларидағи фаоллиги туфайли “Ишбилармон аёл” танловининг республика босқичида

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

Мұхокама

“Тоза худуд” муаммоларига ечим борми?

Президентимиз раислигига бўлиб ўтган республика худудларида маший ва қурилиш чиқиндилари ни йигиш ҳамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги долзарб масалаларга бағишиланган йигилишда тегишли ташкилотларга қатор вазифалар белгилаб берилган эди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши Аграр, сувхўжалиги масалалари ва экология доимий комиссиясининг навбатдаги йигилишида ана шу вазифаларга эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 сентябрдаги “Маший ва қурилиш чиқин-

дилари билан боғлик ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросининг туманларда бажарилиши ҳам мұхокама қилинди. Комиссия раиси, O'zLiDeP депутатлик гурӯҳи раҳбари Эркин Ҳолматов олиб борган тадбирда Мирзачўл тумани ҳокимининг Капитал қурилиш, коммуникациялар ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринbosари Ф. Раҳматовнинг аҳбороти тингланди. Таъкидлаш жоизки, кун тартибидаги масала бўйича худудларда ечимини кутаётган муаммолар

кўп. Буни Мирзачўл тумани мисолида ҳам кўрса бўлади. Тумандаги мавжуд 12 та маҳаллада 42 783 нафар аҳоли истиқомат қилади. 38 439 нафар аҳолига “Тоза худуд” ДУК туман филиали 4 та маҳсус техника ёрдамида санитар тозалаш хизматлари кўрсатиб келмоқда. Хизматлар учун бир ойлик режа 93 922 500 сўм бўлиб, 1 октябрь ҳолатида 496 560 151 сўм дебитор қарздорлик мавжуд. Ободонлаштириш бошқармасига тегишли обьектларида ва тадбиркорлик субъектларида чиқинди кутила-ри үрнатилмаган. 8 та ноқону-

ний чиқиндихона ҳосил бўлган бўлиб, Гулзор, Ўзбекистон, Богбон, Янгидала қишлоқларида гилари ҳозирга қадар бартараф қилинмаган. 111 та ташкилотга 77 190,4 минг сўм компенсация тўлови ҳисобланган бўлиб, 66 та ташкилотдан 61 558,1 минг сўм миқдоридаги маблаг давлат бюджетига ундириб олинган. 63 та ташкилот эса 15 632,3 минг сўмлик қарзини умуман тўламаган.

Айни масалалар атрофлича ўрганилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Ижросини таъминлаш 44-Гулистон сайлов округидан сайланган депутат,

айни комиссия аъзоси М. Сувонқуловга юклатилди. Мазкур масалаларнинг туманлардаги ижроси юзасидан Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибида масала киритиш таъкидланди. Йил якунига қадар эса ҳокимларнинг қурилиш масалалари бўйича ўринbosарларининг ишларида жиддий ўзгариш бўлмаса, лавозимларига лойиқлик масаласи ҳам кўриб чиқилади.

**Олим НОРЖИГИТОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят
Кенгаши депутатлик гурӯҳлари
билиш бўлими мудири**



Тренинг

Тадбиркорлар тажриба тўплаяпти

Мамлакатимизда, шу жумладан, Хива шаҳрида тарихий, маданий меросни асрар-авайлаш, тарғиб қилиш, туризмни, улар орқали эса иқтисодиётни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш шарт эмас.

Айниқса, бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик асосида қатор дастур ва лойиҳалар белгиланмоқдаки, ушбу қадамлар яқин йилларда албатта ўз натижасини беришига шубҳа йўқ.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг молиявий кўмаги асосида Хива шаҳрида иш бошлаган семинар-тренингдан кўзланган мақсад ҳам туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар малакасини оширишга қаратилгани билан эътиборлидир. Тренингда сайдоҳларга меҳмонхона, туроператорлик, савдо, овқатланиш, транспорт ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича ўз бизнесини амалга ошираётган тадбиркорлар катнашиб, тажриба ортишишти.

Шунингдек, Ўзбекис-



тон Либерал-лемократик партияси фаоллари, партиядан Хива шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар ҳам тренингда фаол иштирок этмоқда.

– Бундай машғулотлар ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад, кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаолиятини янада такомиллаштиришга кўмаклашиш, тажрибаларни янада бойитишдан иборат, – дейди Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги маслаҳатчиси, биз-

Одилбек Раҳимовнинг мамнуният билан эътироф этишича, ушбу очик мулокот, савол-жавоб ва қизғин мунозара асосида ўтган тренинг натижалари мамлакатимизда, шу жумладан, қадим Хивада туризмни янги босқичга олиб чиқади деб ўйлаймиз.

Худди шундай семинар-тренинг Урганч, Нукус шаҳарларида ҳам бўлиб ўтиши режалаштирилган.

**Садоқат РУЗМЕТОВА,
халқ депутатлари
O'zLiDeP Хива шаҳар
Кенгаши депутати**

нес-тренер Фарҳод Жабборов.

Бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази раҳбари, халқ депутатлари O'zLiDeP Хива шаҳар Кенгаши депутати

Таклиф

Ҳадемай 82 ёшни қаршилайман. Қашқадарёнинг Яккабог туманида тугилганман. Университетни битириб, хуқуқшунос мутахассислигига эга бўлганман. Кўп йиллар ички ишлар тизимида ишладим. Кейин турли ташкилотлар, муассасаларда юристлик қилдим. Пенсияга чиққанимга 16 йил бўлди. Лекин мен ишсиз туролмайман, доимо одамлар орасида бўлсан, уларга озми-кўпми нафим тегса, дейман. Бир неча йилдан бўён “Мустақиллик” МФйнинг маънавият ва маърифат кенгаши раиси, шу билан бирга, “Нуроний” жамгармаси маҳаллий бўлнимаси фахрий кенгаши раиси котиби сифатида фаолият кўрсатяпман.

“Одамларга кўпроқ нафим тегса, дейман”

Ҳар гал фарзандларим, невара-чевараларимни кўрганимда кўнглим кувончга тўлади. Бири тадбиркор, бири фермер, яна бири хорижда таҳсил оляпти. Тоат-ибодатни ҳам қанда қилишмаяпти. Биз ёш бўлган замонларда бундай имкониятлар тушимизга ҳам кирмаган. Шу боис истиқлол берган неъматларни ҳар қанча улуғлаб, шураналар айтсан кам. Дарвоқе, зурриётларимнинг бир қанчаси O'zLiDeP аъзоси. Улар ўз сиёсий қарашларини ифодалаш учун шу партияни танлагани бежиз эмас. Ўзим шоҳидман, мазкур сиёсий куч сўзи билан иши бирлигини исботлай олди, халқ ичига чуқур кириб бориб, ишонч қозонди. Хусусан, партия ўз дастурий мақсадларига мувофиқ иш юритиб, қонунлар устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича анча-мунча ишлар қилди. Ўтган йилларда партия фаоллари, депутатлар ана шу соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш учун юзлаб меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга, ҳатто Конституциямизнинг 7 та модда-

сига ўзгаришлар киритишга эришгани соҳадаги янгиланишлар кўлами ва салмоғини кўрсатиб турибди.

Шу баҳонада бир-икки таклифимни ҳам баён қилмоқчиман. Назаримда, партия судлар фаолиятида шаффоғлиқ, очиқликни кучайтириш, шунингдек, судьялар томонидан ўз фаолияти ҳақидаги ҳисботни халқ депутатлари кенгашларига тақдим қилиш амалиётини кенг миқёсда жорий қилиши, маҳалла ва ташкилотларда сайёр судларнинг мунтазам ўтказилиши масалаларига алоҳида диққат қаратиши, мазкур йўналишлар бўйича муайян механизмлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Шунинг баробарида партиянинг иш билармонлар хуқуқий билимини оширишга йўналтирилган фаолияти янада самарадор бўлиши зарур, деб ҳисоблайман. Бу борада O'zLiDeP тузилмалари билан ҳамкорлик қилишга, тажрибаларим билан ўртоқлашишга тайёрман.

**Бухор ЮСУПОВ,
мехнат фахрийи,
халқ таълими аълочиси.**



Келинни эмас, үёвни танлаш керак!

Асосий қонунимизда миллий қадриятимизга айланган оиласа алоҳида, 14-боб ажратилган ва у “Оила жамияттинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”, деган ҳуқуқий норма билан бошланиб, “отоналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида фамхўрлик қилишга мажбурдирлар”, дейя якунланади.

Тўғри-да, оила давлат муҳофазасида бўлиб, никоҳ тенг ҳуқуқлилик асосида қурилар экан, оила бошлиғи, ота-оналар ҳам нафақат никоҳ муносабатларида, балки фарзандлари – оиласи олдида жавобгар бўлиши билан бирга, бурчдор бўлиб мажбурият олади.

Оиласи ажримлар...

Афсуски, бу атама ҳар қанча совуқ ёки нохуш эшитилмасин, барибир бу ташвиш ҳар доим ёнимизда хавф солиб турди. Бу хатардан шу вақтгача бирор оила, бирор жуфтлик ҳимояланмаган. Унинг сабаб ва омиллари ҳам турлича:

мулксизлик, ишсизлик, мустақил ҳаётга тайёр эмаслик, қайнона-қайнота можароси, куёвтўранинг эгаменлиги, ичкиликбозлик, гиёхвандлик, келиннинг хурмача қиликлари, қариндош-уруг, қўни-қўшниларнинг ортиқча аралашуви, моддий ва маънавий қашшоқлик, белуштлик, руҳий, наркологик, тери-тансосил, сил, ОИТС касалликлари, айниқса, ёшлар ўртасида кўпайиб бораётган жинсий мувозанатнинг (ориентация) бузилиши, масъулиятсизлик (никоҳ шартномаларидан фойдаланмаслик оқибати) ва ҳоказо...

Шу ўринда сал аввалроқ “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази келтирган бир маълумотга эътибор қаратишингизни истардим:

43,3 фоиз – эр-хотиннинг оиласи ҳаётга тайёр эмаслиги;

24,5 фоиз – моддий етишмовчилик; 12,6 фоиз – характерларнинг мос келмаслиги;

10,3 фоиз – бир-бирига бефарқлик;

5,5 фоиз – жавоб беришга қийналаман;

3,8 фоиз – гиёхвандлик ва ичкиликбозлик.

Ёш оиласарнинг бузилишига эса, 41 фоиз ҳолатларда характерларнинг тўғри келмаслиги, 13 фоиз ҳолатда бефарзандлик, 15 фоизида моддий қийинчиликлар, 34 фоизида учинчи шахс аралашуви, 25 фоизида заарли одатлар сабаб бўлаётгани иddaо қилинади.

Ўйлаб қоласан киши, ушбу қайдларни қай даражада

тадқиқот дейиш мумкин? Негаки, юзаки ва саёз таҳлиллар бу, чукур илмий хulosаларга, атрофлича мониторинг таҳлилларига асосланмаган.

Фикримни асослаш учун қуидаги сабабларни келтирмоқчиман: 43,3 фоиз ажримларга эр-хотиннинг оиласи ҳаётга тайёр эмаслиги омил экан. Ҳўш, оиласи ҳаётга тайёр эмас, деган тушунчанинг моҳиятини таҳлил қиласли. Яхиси, 15-19 ёшида турмуш қурган бобо-момоларимиздан бу саволга жавоб сўраш лозимдир. “Болагинам, бу саволингнинг илмий жавоби нелигини билмаймизу, лекин биз оиласи муқаддас деб билиб яшаганимиз учун қўша қарияпмиз шекилли...” Бошқа изоҳ ортиқча, тўғрими?

Яқинда яна бир қизиқ мавзумотга кўзим тушди: “Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги томонидан жорий йилнинг шу вақтига қадар 15 минг 413 та ажрим ёқасига келиб қолган оиласарнинг 9 минг 980 таси, яъни, 60 фоизи яраштирилди. Шунингдек, 11 минг 985 та никоҳ қонуний расмийлаштирилмаган оиласарнинг 5 минг 960 таси ёки 57,8 фоизининг никоҳ қонуний расмийлаштирилмади (вазирлик матбуот хизмати).

Бир ҳуқуқшунос сифатида ўйлаб қолдим. Агар вазирлик ўтган беш-олти ой орасида қарийб 10 000 га яқин ажрашётган оиласи ростданам сақлаб қолган бўлса, ушбу савобли ишни фақатгина олқишилашимиз керак, тўғрими?

Иккинчидан, мазкур вазирлик томонидан никоҳ қонуний тартибда расмийлаштирилмаган 5 минг 960 та оила ёки 57,8 фоизи жуфтликнинг никоҳ қонуний расмийлаштирилгани... бу энди ҳаддан ташқари ортиқча туолди шахсан менга...

Бу маълумотларни келтиришдан мақсад, ўта жиддий муммолардан бири оила масаласи билан машғул бўлган бирор тизим ҳамда улар фаолиятини танқид қилиш эмас. Аслида оила ва никоҳ масаласига энди бутунлай жиддий ёндашиб вақти келганини таъкидлашни истардим.

Ҳўш, нега кейинги йилларда ажримлар сони кескин ортиб бормоқда? Бу оғрикли савол бутун дунёни ташвишга солаётир. Бироқ, шу билан бирга, ажримларнинг ортиши ҳали фалокат эмас. Фалокат шуки, жуда катта фоиз ва кўрсаткичлар билан ўша ажрашган оиласарнинг қайта оила қуришдаги имконсизлигидир.

Эътибор қиласли, судлар томонидан эр-хотинга 3 ва 6 ойлик ярашув муддати берилиб, яраштирув комиссияла-

рига юборилаётган эр-хотиннинг 90 фоизидан ортифи, ишонасизми, ярашишни исташмаган...

Энди асосий мавзу – никоҳ ва ажримга тўхтаталимиз.

Бу муаммонинг аниқ мезони, ечими борми?

Бошқаларни билмадим, лекин менга бу мавзуга оид айрим кузатув ва мулоҳазалар, таклифлар тинчлик бермаяпти.

Энг аввало, ажримлар кўпайишини фалокатли дея қабул қиласдан, аксинча, бу жараённи тан олишимиз лозим.

Қисқа муддат ичидан оиласи ҳизоларга ўз вақтида барҳам берилмагани оқибатида 5 940 та оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилган, оила-турмуш доирасида тазиикқа учраган хотин-қизларнинг 2 776 нафарига ИИВ тизимлари томонидан “ҳимоя ордери” берилган. Ачинарлиси, эр-хотинлар ўртасида бир-бирининг ҳаётига қасд ва сиқиасд қилишдек оғир жиноятлар ортган. Демак, барбод бўлган оиласи сақлаб қолишига ортиқча аралашув мақсадга мувофиқ эмас.

Агар, никоҳланувчиларнинг таҳминан 60 фоизи ўз мол-мulkи (кўчмас) ёки ўй-жойи, оила учун керакли ашё ва воситаларига эга эмаслигини тан оладиган бўлсак, қатор оиласар таваккалига, яхши бўлиб кетар деган ўйда, яхши ният асосида қурилар экан.

Шу ўринда тан олайлик, оила қуриш масаласида ақсариятимиз катта хатоликка йўл қўяяпмиз. Бу бевосита кўёв эмас, келин танлашга кўпроқ эътибор қаратадеканни мавжуд. Нега ҳар доим оила бошлигини танлашга эмас, оила бекасини танлашга аҳамият берамиз? Ахир, ажримларга асос деб келтирилган ва биз қофозга ўраб айтиётган моддий қийинчиликлар дейилаётган омил, айнан кўёвга – ўша оила бошлиғига бевосита боғлиқ-ку! Агар оила устуни бўлмиш эркакнинг ҳеч бўлмаса, бир оиласи ташвишни яшаши учун шахсий ёки доимий яшаши учун тураржойи бўлмаса, тураржой ота-онаси ва оила соҳибининг ака-ука, опа сингилларига бирдай тегишли бўлса ҳамда ўзлари ўй-жой қилиб чиқиб кетар деган ниятда оила қурилса, бунга имконият топилмаса, бундай оиласар катта эҳтимол билан барбод бўлишга маҳаллар. Бундай вазиятда нима қилиш керак? Ўз ўй-жойига ва шахсий мол-мulkига эга кўёвлар сони чекланган. Қизни узатиш керак. Бўлмаса, қари қиз бўлиб қолиб кетади, ижтимоий мувозанат бузилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, судлар фаолиятида дастлаб никоҳ бекор қилиниб, ажрим қайд этилишига, болалар ва онанинг кейинги тақдирли, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, фарзандлар қисмати, мол-мulk тақсимоти

Худди шу жойда давлат бу долзарб муаммони ижобий ҳал қилишга амалий қадам қўйиши лозим. Яъни, “Оила жамиятнинг асоси”, деган ижтимоий лойиҳани ҳаётга татбиқ этиши лозим. Айни шу ижтимоий лойиҳа доирасида кредитга эмас, давлат ва хусусий шерикчилик асосидаги ижара уйлар(кўп қаватли)ни кенг кўламда куриш, шу уйларни ўй-жойга муҳтоҷ, даромади кам, бошлангич ва кредит тўловларини ҳам ўз вақтида тўлашга қодир бўлмаган оиласар билан умрбод ижара шартномаси асосида уларга бериш мумкин. Шу йўл билан қанчадан-қанча оиласарни сақлаб қолиш эҳтимоли мавжуд.

Яна бир таклифим, гарчи миллий менталитетимизга кўпам мос келмаса-да, кела-жақда фарзандларимиз учун никоҳ шартномаси тузишни кўпроқ татбиқ ва тарғиб этишини буғунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётir.

Тан олайлик, ўзи мадад ва кўмакка муҳтоҷ бўлиб турган “Маҳалла институти” фақатгина бизда мавжуд. Уни бу ноёб институт деб, роли ва ўрнини сунъий оширмасдан, уларни оиласар билан муносабатлари чегарасини аниқ белгилаб қўйиш даври етиб келди-ку буғун! Негаки, биз кейинги пайтларда кўплаб маҳалларга оқсоқол сайлаш ўрнига раис, яъни ижтимоий ҳимояга муҳтоҷларга пул тарқатадиган, коммунал тўловлар учун қарздорликни йиғишига масъул ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг ҳар хил бўлар-бўлмас буйруқ-топшириклиарни елиб югуриб бажарадиган лаббайчи кадрлар армиясини шакллантириб қўйдик. Айниқса, баъзан ўз вазифасига номуносиб одамларни ҳам расмиятчилик учун бўлса-да сайладик. Шундай экан, маҳаллаларни (хаммаси ҳам эмас) оиласарни мустаҳкамлаш, айниқса, ажрим ёқасидаги оиласарни яраштириб қўйишдаги роли яраштирув ҳақида хulosani расмийлаштиришданнига иборат бўлиб қолмоқда. “Давлат+Маҳалла+Оила” тизимини боғлаш ёки оиласарга кўмак бериш лозим бўлса, буни фақатгина давлат томонидан ажратилаётган маблағни тақсимловчи, соат каби ишлайдиган мукаммал, ақлли, замонавий инновацион воситалар асосидаги жамғармавий тузилма орқали амалга оширса ҳам бўлади.

Ана шундагина донишманд ҳалқимизнинг “Қўшганинг билан қўша қари”, “Борган жойингда тошдай қотгин” деган ҳикматли, пурмаъно нақллари ҳаётимизда ўз исботини топаверади.

Нуридин МУРОДОВ,
судья

кейинроқ кўриб чиқилмоқда. Бутажриба, минг афсуски, ўзини оқламаяпти. Шунинг учун ҳам оиласарни кўриб чиқишига судларни мослаштириш, яъни, оила низоларни кўриб чиқувчи судлар ихтисослашувини ташкил этиш, керак бўлса, шаҳарлар ва аҳоли ҳамда низолар кўп ҳудудларда бир ёки бир неча маҳаллалар учун участка судларини ташкил этиш вақти келганини англаради. Бу борада тайёр илғор ва ижобий натижага бераётган хорижий тажрибаларни ўрганиш керак.

Ажрашаётган аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кўчада қолиб кетмаслигини кафолатлаш учун ҳам эр-хотиннинг фарзанди ва биргаликдаги мол-мulk бўлмаган тақдирда ҳам никоҳ фақат суд томонидан ажратилиши лозим. ФХДЁдан бундай ваколатни олиб ташлаш, қонунчиликка ана шундай тузатиш киритиш фурсати келди.

Ёш оиласардаги ажрим сабаблардан бири – гиёхвандлик, психик, наркологик, тери-тансосил, сил, ОИТС касалликлари, айниқса ёшлар ўртасида кўпайиб бораётган жинсий мувозанатнинг (ориентация) бузилиши ва бошқа шунга ўхаш касалликлар эканини инобатга олиб, никоҳланувчиларнинг тиббий қўриқдан ўтказиш қоидаларини бузиш, соҳта ва қалбаки маълумотномалар берганлик учун жинсий жавобгарлик санкцияларини кучайтириш зарур.

Ниҳоят, хусусий мулк, буғунги кунда уйга киритиб қўйиш, уйдан чиқариш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уй-жойни биргаликдаги мулк деб топиш, уй-жойдан ҳисса ажратиб бериш, уй-жой меросидан улуш белгилаш, эр ёки хотин мулкларидан улуш белгилаш, эр-хотин ёки улардан бири ташкил этган тадбиркорлик субъектлари (корхона, ХФ, МЧЖ ва ҳоказо)да улуш белгилаш каби низоларнинг кўпайиб бориши, оила мулкида, хусусий мулк ҳуқуқининг кафолатларини такомиллаштириш билан бирга, доимий прописка деган тушунча, рўйхатга қўйиш ва рўйхатдан чиқаришни уй-жойдан фойдаланиш деган тушунчадан ажратиб қўйиши миз, бу борадаги қонун ҳужжатларини аниқлаштиришимиз шарт.

Ана шундагина донишманд ҳалқимизнинг “Қўшганинг билан қўша қари”, “Борган жойингда тошдай қотгин” деган ҳикматли, пурмаъно нақллари ҳаётимизда ўз исботини топаверади.

Карз олиш осон,

Кундалик турмуш тарзимиз даромадлар ва улар асосида харажатларга бевосита боғлиқ. Бу жараёнда аниқ бир давр бўйича харажатларимизга даромадларимиз етарли бўлмаса, жамғармамизни сарфлашга, мол-мулкимизни сотишга ёки охирги йўл сифатида эса қарз олишга мажбур бўламиз. Алоҳида инсон, ҳар бир оила, корхона ва ташкилотлар, ҳаттоқи давлат миқёсида ҳам шундай. Мустақил даромадга эга бўлиш ва уни харажатларга йўналтириш, жамғарма ташкил этиш ва уни сарфлаш, қарз олиш ва унинг сарфи ҳар биримиздан атрофлича таҳлил асосида қарор қабул қилишни талаб этади. Кўйида пул олиш ва сарфлаш билан боғлиқ мураккабликларнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Охирги йилларда мамлакатимизда давлат ташки қарзи ўсиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. Давлат облигациялари ва қисқа муддатли хазина мажбуриятларини жойлаштириш ҳисобига давлатнинг ички қарзида ҳам ошиб бориш кузатилмоқда.

олиш давомида айнан пул топиш осонлиги ва тўғри сарфлаш қийинлиги асосида пулни қандай бошқаришни ўрганасиз”, дея жиддий таъкидлади. Институтда олти йиллик ўқиш жараёнида домланинг бу фикрлари ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар



Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси (миллиард АҚШ долларида).

Давлат қарзининг сўнгги йиллардаги ўсиш динамикасига қарамай, ҳалқаро меъёрларга кўра Ўзбекистон Республикаси. Давлат қарзи (ЯИМга нисбатан 34,0 фоиз), шу жумладан, давлат ташки қарзи (ЯИМга нисбатан 30,3 фоиз) мўътадил даражада сақланиб қолаётгани борасида бот-бот таъкидланмоқда. Ҳақиқатан ҳам, мазкур ҳолатда давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбати ҳалқаро ташкилотлар тавсиявий кўрсаткичларидан анча паст. Лекин ма-саланинг бошқа жиҳатлари бор.

2002 йил сентябрь ойида Тошкент молия институтига ўқишга қабул қилинганимизда ўша пайтдаги институт ректори, академик Мурод Шарифхўжаев (Олий Мажлис Сенатининг биринчи раиси, охиратлари обод бўлсин) бизни талабалик билан кўтлади. Қутлов давомида “Пул топиш осон, мақсадли сарфлаш қийин”, дея таъкидлади. Тадбир иштирокчилари бўлмиш биз талабалар эса сал ажабланиб, “Аксинча-ку”, дея ўйладик. Кимдир “наоборот”, дея русчасига баланд овозда айтиб юборди...

Юзидан нур таралиб турган устоз бироз тин олиб, бизга қарата “Сиз институтда таҳсил

бир корхона ёки ташкилот, ҳар бир давлат миқёсида ниҳоятда муҳимлигига амин бўлдик.

Тасаввур қилинг, оилада ойлик иш ҳақи ҳисобига бюджет шаклланади. Жами даромадни бир кунда ҳам ишлатиш мумкин. Ёки оқилона тақсимлаш ва сарфлаш, маълум қисмини жамғариш орқали кейинги иш ҳақигача етказиш мумкин. Биринчи ҳолатда оила бюджети даромадларини бир кунда ёки бир ҳафтада совуриш даромад билан боғлиқ муаммоларнинг ортишига олиб келади. Бу жараёнда кимдантир қарз олинса, ўша маблағдан ҳам етти марта ўйлаб, кейин сарфлаш талаб этилади. Акс ҳолда, даромад, қарз билан боғлиқ муаммолар сони ва кўлами ортиб бораверади.

Корхона ва ташкилотларда ҳам шундай. Ўз даромадлари ёки олингандан кредит ва қарз маблағларидан қатъи назар, оқилона ишлатиш корхона ва ташкилотлар олдидағи ўта муҳим масаладир. Бунда сарфланган маблағлар ўз вақтида қайтиб келиши, амалга оширилаётган лойиҳа самарадорлиги ҳам вақт, ҳам маблағ миқдори жиҳатидан жиддий баҳолашни талаб этади.

Кўшимчасига пулнинг қадрсизланиши, яъни инфляция масаласи ҳам сарф-харажатлар ва улар қайтимида инобатга олиниши шарт. Акс ҳолда, корхона ва ташкилотлар ҳам ўз маблағлари, ҳам қарз маблағларидан айрилиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Натижада эса қарз берган томон маблағларининг ҳам камайиши, қайтмаслик ҳолатлари кузатилади. Буни 2017-2018 йилларда республикамизда амалга оширилган аҳолини, янги тадбиркорлик субъектларини оммавий кредитлаш натижаларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Пул сарфини ташкил қилиш оила, корхона ва ташкилотларда шунчалик мураккаб экан, ўз ўзидан аёнки, давлат миқёсида юз чандон мураккаблик касб этади. Давлат миқёсида қарз маблағлари, хусусан, ташки қарзи жалб қилинишида ҳам амалга ошириладиган лойиҳаларнинг самарадорлиги, маблағлар қайтими вақт ва миқдор жиҳатдан олдиндан баҳоланиши лозим. Бунда қарзлар бўйича қўйиллаётган шартлар ва лойиҳалар самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилади. Лойиҳа самарадорлиги миқдор ва вақт жиҳатидан олинган қарз умумий суммасини қайтариш ва фоизларни тўлашга вақт ва миқдор жиҳатидан мос тушиши шарт. Шу нуқтаи назардан давлат томонидан жалб қилинаётган ҳар қандай лойиҳа бўйича комплекс баҳолаш ўтказилиши ва ошкора эълон қилиниши, маблағлар сарфи шаффофлиги таъминланиши лозим.


Ташки қарзлар, хусусан, ҳалқаро облигациялар орқали қарз маблағлари жалб қилишда лойиҳалар аниқлиги масаласи ҳам эътиборни тортади. Бизга маълумки, 2019 йил 14 февралда Лондон фонд биржасида муваффақиятли дея эътироф этилган ҳолда жойлаштирилган Ўзбекистон Республика-

си ҳалқаро облигацияларидан тушган маблағлар бир ярим ой ўтгандан сўнг жойлаштирилди. Эътиборлиси, маблағларнинг 90 фоиздан ортиғи тижорат банкларига депозитга қўйилди. Илк суверен ҳалқаро облигациялар бўйича жалб қилинган маблағларнинг тижорат банкларига йўналтирилиши стратегик муҳим аҳамият касб этмайди ва фақат фоиз тўловларини қоплаш билан боғлиқ харажатларни чиқаришга хизмат қилиши мумкин. Маблағларнинг давлат банкларига депозитга қўйилгани ҳам маълум даражада рискни юзага келтираётгандек. Давлат ўзи эгалигидағи тижорат банкларини доимий молиявий қўллаб-қувватлаб келаётгани бундай фикрга келишимизга асос бўлади.

Облигациялар туридан қатъи назар, улар орқали жалб қилинадиган маблағлар йўналтириладиган лойиҳа аниқ ва истиқболли баҳоланадиган бўлса, капитал шунчалик арzonлашади. Яъни облигациянинг фоиз тўлови шунча паст бўлади. Бизнинг ҳолатимизда эса ҳалқаро облигациялардан тушадиган маблағлар йўналтириладиган лойиҳалар ноаниклиги сабаб ҳам ҳалқаро облигацияларимиз фоиз тўлови жаҳон молия бозорига нисбатан юқори белгиланди. Мазкур нуқтаи назардан истиқболда ҳар қандай қарз маблағини жалб қилиншида мазкур жиҳатга давлат ҳамда корхона ва ташкилотлар алоҳида эътибор қаратиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Мазкур амалиётларда яна бир жиҳат муҳимки, бу қарз олинаётган валюта масаласидир. Таҳлилларга кўра, мамлакатимиз ташки қарзининг асосий қисми, яъни 69,4 фоизи АҚШ долларида, қолган қисми эса бошқа хорижий валюталарда олинган.

Хорижий валютада даромад олиш имконияти бўлмаган



Давлат ташки қарзининг валюта таркиби (01.07.2020 йил ҳолатига).

Мақсадли сарфлаш

ва қайташиб қийин

лойиҳаларни амалга ошириш учун ёки хорижий валютада даромади кескин паст шахслар томонидан хорижий валютада қарз олиш тавсия этилмайди. Бу жиҳат, айниқса, юқори инфляция шароитида эътибордан четда қолмаслиги шарт. Чунки валюта ва инфляция рисклари қарз олуви субъектни мураккаб ҳолатга солиб қўяди.

Миллий амалиётда ташқи қарзлар хорижий валютада олинаётганига қарамасдан, улар асосида амалга оширилаётган лойиҳалардан даромадлар қанчалик даражада валюта тушумини ошираётгани ҳақида маълумотлар ниҳоятда кам. Мазкур жиҳат ўз-ўзидан юқоридаги қоидага қанчалик риоя қилинаётганини савол остига қўяди. Ташқи қарз ва фоизлар хорижий валютада тўлаб берилаётгани, аксарият ҳолатларда лойиҳалар бўйича сўмда даромад олинаётгани, устига-устак, жорий вазиятдаги юқори инфляция бу борада узвийликнинг бузилаётганини намоён этади. Узвийликнинг бузилиши эса қарз маблағларининг ўз вақтида қайтарилиши ва молиявий барқарорликнинг таъминланишига муайян дара-



фонида жаҳон бозорида олтин нархи мунтазам кўтарилиши кузатиляпти. Айни шундай шароитда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаб бориш мақсадида олтин экспортидан тушаётган маблағларни янги лойиҳаларни ўзлаштиришга йўналтириш алоҳида долзарблек касб этади.

Экспорт-импорт таҳлиллар-


олтин экспорти ҳиссасига тўғри келган. Ўз навбатида, импорт ҳажми эса 12,9 миллиард АҚШ долларидан ортиқроқни ташкил этган. Мазкур кўрсаткичлардан аён бўлмоқдаки, саккиз ойлик якунлари бўйича импорт ҳажми экспортдан 1,3 миллиард АҚШ долларига паст. Бу жиҳат ўз-ўзидан катта партиядаги олтин экспортидан тушум ҳам импортни тўлиқ қоплашга етмаётганидан далолат беради. Жорий ҳолатда мамлакат олтин жамғармаси қайтими савол остида қолаётгандек. Ваҳоланки, миллий бойлик сифатида олтин экспортидан тушум аниқ лойиҳаларга сарфланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда лойиҳа шаффофлиги ҳамда самарадорлиги таъминлангандагина аҳоли фаровонлиги ва келажак авлод турмуш тарзи юксалишига хизмат қиласди. Олтин ёки бошқа маҳсулот бўлишидан қатъи назар, чуқур қайта ишланган маҳсулот экспортига жиддий эътибор қаратиш, маҳаллийлаштириш дастурларида кескин рақобатни ҳисобга олган ҳолда вақт омилига алоҳида эътибор қаратиш муҳим саналади.

Бугун давлат бюджетидан субсидиялаш амалиётлари ҳам кенг миёсда қўлланилмоқда. Маълумки, субсидия давлат бюджетидан қайтарилимаслик асосида берилади. Маблағнинг қайтарилимаслиги субсидиялардан фойдаланиш самарадор-

лигини кўпинча пасайтиради. Чунки бу, бир томондан, бозор иқтисодиёти принципларига зид бўлса, иккинчи томондан, боқимандаликнинг янада ортишига ва масъулиятнинг йўқолишига сабаб бўлади. Энг муаммоли жиҳат давлат бюджетидан ажратиладиган ҳар қандай субсидия ўз-ўзидан солиқ тўловчилар зиммасига тушишидир. Амалда субсидияларнинг фойда олиш учун ишлаши шарт, молиявий ресурсларни ўзлари излаб топиши лозим бўлган корхоналарга ҳам берилаётгани, айрим акциядорлик жамиятларининг устав капиталига ҳам йўналтирилаётгани боқимандаликни, ҳақиқатан ҳам, кучайтироқда. Мазкур ҳолат бундай корхона ва ташкилотларда пул олиш осонлиги ва сарфлаш ҳамда қайтаришга эса жиддий ёндашилмаётганидан далолат беради. Натижада эса солиқ тўловчилар норозилигига сабаб бўлади.

Ушбу таҳлиллар қарз олиш осон, мақсадли сарфлаш ва қайтариш нақадар қийинлигидан далолат беради. Мазкур жиҳатни асло унутмаслигимиз лозим саналади, акс ҳолда, қўшимча мажбуриятлар, инфляция ва боқимандалик билан боғлиқ муаммоларга дуч келишда давом этаверамиз.

**Самариддин ЭЛМИРЗАЕВ,
Тошкент молия институти
кафедра мудири, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор**



Ўзбекистоннинг олтин экспорт ҳажми (миллион АҚШ долларидан).

жада салбий таъсир кўрсатади.

Республикамиз асосий жамғармаси ҳисобланган олтин экспортси сўнгги йилларда мунтазам ошиб бормоқда. 2020 йил давомида пандемия

нинг кўрсатишича, 2020 йил январь-август ойлари давомида мамлакатимиз бўйича жами экспорт 11,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда, унинг 5,8 миллиард АҚШ долларлийк қисми, яъни 50 фоизи



ЁШЛАР ПАЛАМЕНТИ

нега керак бўлди?

Биламизки, жамият ҳаётида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар янги қонун ҳужжатларига бўлган эҳтиёжни вужудга келтиради.
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти тузилганига эндиғина иккى ой бўлишига қарамасдан, бўлажак депутатлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва лойиҳаларига ўз таклифларини бериб келишмоқда.

Миллий парламентаризм тизимиға янги кириб келган институт қандай ташкилот ва унинг вазифалари нималардан иборат бўлади, деган ўринли савол туғилиши табиий. Ёшлар парламентларининг дунё миқёсидаги тарихи 100 йилдан ошганини кўришимиз мумкин. Аниқроқ айтсан, унинг ilk шакллари 1908 йилда АҚШнинг Миссисури штатида вужудга келган. Генри Гинссенбайр ва унинг жамоаси биргаликда фуқаролик муаммоларини ҳал этиш ва қонулар муҳокамасига бағишлиланган клуб ташкил этган. Шундан сўнг мамлакатнинг турли штатлари ва Европанинг кўплаб мамлакатларига бу тизим тарқала бошлаган.

Айни пайтда фаолият олиб бораётган Ёшлар парламентлари интенсив майдон, аниқроқ айтганда, ёшларнинг онгги ва тафаккурида жамият ҳаётидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг муҳокамаларида қатнашиш ва таклифлар бериш орқали ўзларининг сиёсий билимларини ошириш йўлидаги катта қадамлардир.

2020 йилнинг 10 август санасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти аъзолари фаол ёшлар орасидан сайланган, давлатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортигини ташкил этувчи қатламнинг ҳақиқий

маънодаги вакиллари десак, янгишмаймиз.

Бугун юртимиз ҳаётининг ҳар бир бўғинига чин маънода янгиланишлар ва янгича руҳ кириб келмоқда. Бу каби ўзгаришлар қонун ижодкорлиги жараёнини ҳам четлааб ўтмаяпти. Янгича ёндашувни назарда тутадиган қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш, ривожланган мамлакатлар, айниқса, аралаш ва англо-саксон ҳуқуқ тизимиғининг норма ижодкорлигига кенг қўлланиладиган “smart regulation” моделлари, қонун ижодкорлигининг замонавий услублари: “open ended”, “sunset clauses”, “one in-two out” кабиларни жорий этиш, тўғридан-тўғри амал қиливчи қонунлар қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, идоравий ҳужжатлар қабул қилиш амалиётини босқичма-босқич қисқартириш каби бир қатор вазифалар қўйилган эди. Бугунги кунда ушбу вазифаларнинг амалий ифодаси сифатида қонун ижодкорлигига катта ислоҳотлар шиддати сезилмоқда. Бу ислоҳотларнинг амалиётга кириб келиши, тизим сифатида ишлаши каби долзарб вазифаларда ёшларнинг ҳам иштироки бутунга келиб айнан Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти кесимида таъминланиши ижобий ҳолатdir.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар сифатида Конституцияда келтириб ўтилган Олий Мажлис депутатлари ва айнан улар билан бугун биргаликда фаолият олиб бораётган Ёшлар парламенти аъзолари Ўзбекистон танлаган сиёсий

йўл ва мақсадларни амалга оширишда кўмакчи бўла олади, деб ишонаман.

Ҳозирда Ёшлар парламенти аъзолари томонидан аҳамияти ва салмоғи жиҳатидан муҳим ҳисобланган қонун ҳужжатлари лойиҳалари тақлифлар берилиб, бу жараён айни кунларда янги ва юқори босқичга кўтарилимоқда.

Энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Африка Иттифоқи тизимиғидаги ёшлар тузилмалари раҳбарлари, дипломатик корпус, инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро, минтақавий ва миллий институтлар, ёшлар ташкилотлари вакиллари, олимлар ва эксперлар, жами 1000 дан зиёд киши қатнашган Самарқанд веб-форумида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари Ёшлар ҳуқуқларига оид ҳалқаро Конвенция лойиҳасига 9 та тақлиф, шулар орасидан 6 та янги модда киритиш тақлифи билан чиққани ва якунда қабул қилинган “Ёшлар-2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюциясида ҳам бу тақлифлар акс этганини айтиб ўтишимиз жоиз. Улар орасидан, дунё ёшларининг тинчликни мустаҳкамлаш, ҳалқаро ўзаро англашув ва ҳамкорлик руҳида тарбияланиш ҳуқуқи, навқирон авлоднинг фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, илмий-техника тараққиётини ривожлантиришда иштирок этиш, соғлиқни муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминотга эга

бўлиш ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳалқаро Конвенцияга киритишга оид янги модда сифатидаги тақлифлар ижобий тарзда қабул қилинишига ишонамиз.

Иккинчидан, қўмиталар кесимида, хусусан, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳасига 9 та тақлиф, шулар орасидан 6 та янги модда киритиш тақлифи билан чиққани ва якунда қабул қилинган “Ёшлар-2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюциясида ҳам бу тақлифлар акс этганини айтиб ўтишимиз жоиз. Улар орасидан, дунё ёшларининг тинчликни мустаҳкамлаш, ҳалқаро ўзаро англашув ва ҳамкорлик руҳида тарбияланиш ҳуқуқи, навқирон авлоднинг фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, илмий-техника тараққиётини ривожлантиришда иштирок этиш, соғлиқни муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминотга эга

лойиҳасига билдирилган конструктив руҳдаги 100 га яқин тақлиф ва 7 октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносида масофавий шаклда бўлиб ўтган ушбу қонун муҳокамасида ҳар бир вилоят марказий студияларидан қатнашган Ёшлар парламенти аъзоларининг тақлиф ва мулоҳазалари қабул қилиниб, кўриб чиқилмоқда.

Бешинчидан, 2021 йилда амалга оширишга оид қабул қилинадиган **Давлат дастурига айни кунгача 100 дан ошиқ тақлифнинг** ҳам жўнатилгани эътиборимиздаги муҳим масалалардандир.

Бир сўз билан айтганда, дунё миқёсидаги ёшлар парламентаризмида ҳараткатанаётган тузилмалари нинг кўп йиллар давомидаги фаолияти ўзининг ижобий томонларини намоён эта олган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам Ёшлар парламенти келгусида ўз олдига қўйган мақсадлари доирасида қонун ижодкорлиги жараёнига янги моделларни олиб кириш, тўғридан-тўғри амал қиливчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига ва улар сонининг ошишига, мазмунан тақрорланувчи қонун ҳужжатлари сонининг камайишига оид амалга оширилиши бошланган янги услугуб ва ёндашувларга (масалан, “тартибга солиш гильотина”си) эришиш каби долзарб вазифаларда ўз ўрнини кўрсата олади.

Тўртингчидан, айни кунларда қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси нинг “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун

Жамшид БОБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси

Она тили умуммиллат мулкидир. Демак, тил олдиаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унтилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тишлиносларнинг эмас, миллатнинг ишидир. Эски тузум барбод бўлди. Остановка турганда бекат, район турганда туман, вилка турганда санҷки дейишга нима бор, дегувчиларнинг даври ўтди. Тилимиз секин-асталик билан бўлса-да ўзбекчалашиб бормоқда.

Омонат деган ўзбекона сўзга қалб қулоғини тутиңг. Қанчалар теран инсоний туйғулар бор бу сўзда. У мулк ҳақида айтилса, бироннинг омонати, жон ҳақида айтилса, Оллоҳнинг омонати. Банда учун дунё омонат, дунё учун банданинг ўзи омонат.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири

Бора-бора тошдан ўт чиқариб, уни ҳам чақ деди. Кўкда чақ этиб ёнган олов ҳам чақ бўлди. Кейинчалик чақмоқ, чақин, чақмоқтош сўзлари пайдо бўлди.

Тош бир-бирига урилганда учган ери чақа. Тошга қоқилганинг ёёқ бармоғи чақа. Кўп гапирганинг тили чақа. Тош майдалаб, чақа деган инсон учун ҳамма майда нарсалар чақа бўл-

мақдир. Биз бундай ширин сұхбатнинг номини чақчақлашув деймиз.

Башарият тош чақишдан сўз мағзини чақишгача бўлган масофани миллион ийллар ичидаги босиб ўтди. Биз ҳам сизлар билан “чақ” сўзининг аччиққина мағзини чақдик, “чақ” тўғрисида чақ-чақлашиб олдик.

ОНА ТИЛИ
УМУММИЛЛАТ
МУЛКИДИР.
ДЕМАК, ТИЛ
ОЛДИДАГИ
МАСЪУЛИЯТ ҲАМ
УМУММИЛЛИЙ.
МЕН ЎЗБЕКМАН,
ДЕГАН ҲАР БИР
ИНСОН ЎЗБЕК ТИЛИ
УЧУН ҚАЙҒУРМОҒИ
КЕРАК.

Ҳалқда “Меҳмон отангдан азиз”, “Устоз отангдан улуғ” деган ҳикмат бор. Бирор ақлли зот, отадан улуғ, отадан азиз инсон бўлмайди, деб айтган чоғи, кейинги вақтда “Меҳмон отангдек азиз”, “Устоз отангдек улуғ”, дейиш урф бўлди.

Отадан улуғ ва азиз кишининг йўқлиги ҳақиқат. Айнан шунинг учун ҳам бу ташбех ишлатилади. Мақол ҳалқ ижоди. Ижод бадииятсиз, бадиият муболағасиз бўлмайди. Ин-

сиёт енгилиб, қуруқ мантиқ ғалаба қилмоқда. Бу жамият учун хатарли ҳол. Ўзбек асқияни унутса, дўстона ҳазилларни эсдан чиқарса, сўзнинг латофатини англамай қолса, бу фалокатдир.

Туркий ҳалқларнинг кўргилиги шундаки, қадимги турк ёзуви йўқолиб кетган. Мўгулистоннинг Ўрхун,



Сўзда мўлдир латофат, аングламаслик – фалокат

Ёғилур ҳар дам фалакдин
бошингга гарди фироқ,
Ўт равонроқким, омонатдир
басе бу эски тоқ.

Инсон бошига осмондан гард ёғилиб туради. Биз бугун бу гардни космик чанг деймиз. Фазовий жисмларнинг Ер атмосферасида ёни кетишидан ҳосил бўлган кул деймиз. Бундай гардни Ҳазрат Навоий беш аср муқаддам қаёқдан билган, деб хайрон бўлманг. Берунийлар, Улуғбеклар яшаган юртда фазо сирлари аён эди. Ҳайратга сабаб бошқа, яъни бу илмий ҳақиқатнинг фалсафий хуласаси, бадиий тимсолидир. Эй одамзод, дейдилар ҳазрат, бошингга ёқсан само чанглари айрилиқ гардларирид. Томидан тупроқ ёғилган ўйда узоқ туриб бўлмайди. Бундай ўй омонат. Чириган том остида яшаш хатарли. Осмонидан гард ёғилган дунёни, бу эски тоқни ҳам равонроқ, тезроқ тарқ этган яхшидир. Омонат сўзининг маъно товланишига қаранг. Ўй омонат, олам омонат.

Юртимизда юз минг йил муқаддам яшаган неандертал одамнинг тарих музейимиздаги қиёғасига қараб яна ўзимга савол бераман. Расмана инсонга айланмаган бу ибтидоий онг эгасининг биринчи сўзи нима эди? Ҳаёлимга келган жавоб шу бўлди: у тошни тошга уриб чақ этган товушни эшитган-у, чақ деб овоз чиқариб ўзининг биринчи сўзини айтган. Тошни тошга чақкан, кейинроқ тош билан данак чақкан, ёнғоқ чақкан, боласига ҳам “Чақ!” деб буюрган.

ди. Пул майдалаб чақа деди. Майда боласини бола-чақа деди. Энг майда-си чақалоқ бўлди.

Тараққиёт инсонга ақл ва заковат берди. Заковатли инсон тош чақишини қўйиб, гап чақишига ўтди. Тошдан учқун чиқарган бўлса, гапдан ўт чиқарди. Гап чақиб, ўз қардошининг уйини кўйдирди.

Гап чақувчининг оти ҳам “чақ”дан узоқ кетмади. Уни чақимчи, чақма-чақар дедилар. Чақимчининг ниши илоннинг тишидан оғрикли ва хатарли. Ари, илону чаённинг наштар уришини ҳам бесабаб чақиш демаганлар. Демак, чақимчи билан газанданинг хунари бир.

Чақмачақарнинг ҳам катта-кичиги бўлар экан. Бироннинг гапини бирор гапини юқорига, подшоликка ёки хукуматга етказса, чақув бўлади. Чашақ олдида чақмачақарлик ҳолва бўлиб қолди. Чашимчиликдан бир инсонга озор етса, чақувдан юз мингларнинг ёстиғи қуриган.

Чашақ давлат сиёсати даражасига етиб, чақувчи тенгсиз қурдат соҳиби бўлган замонларни кўрди жафокаш ҳалқ. Бир имзосиз мактуб инсоннинг эмас, бутун бир авлоднинг, уруғ-аймоқнинг хонумонига ўт қўювчи гугурт бўлди. Инсон гугурт ёндиришни ҳам гугурт чақиш деди.

Одам боласининг бир ожизлиги бор. Бирор ҳақида ортдан ёмон сўз айтиш гуноҳ эканини билади-ю, ўрганган одатини ўқотолмайди. Бирорни сиртдан қоралаб роҳат қиласди. Сұхбатнинг ширини фийбат, дейдилар ҳазил қилиб. Лекин бу гапда ҳазилдан чини кўпроқ. Фийбат ҳам чақув, бирорни бирорга эмас, бирорни ҳаммага чақув де-

сон боши тошдан қаттиқ, деймиз. Тошдан қаттиқ нарса йўқлиги учун шундай деймиз. Тоғни урса, толқон қиласидан йигит, деган гап бор. Тоғни майдалаб бўлмаслиги учун бу мақол қудратли ва боқий. Дунёни сув бос-

Россиянинг Енисей дарёлари соҳи-лидан топилган ёдгорликлар хати бир замонлар поёнсиз кенгликларда макон туттган ҳалқларимизни бирлаштирган эди. Бамисоли хитой тасвиҳат – иероглифлар турли лаҳ-

ЧАҚМАЧАҚАРНИНГ ҲАМ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛАР ЭКАН.
БИРОВНИНГ ГАПИНИ БИРОВГА АЙТСА, БУ ЧАҚИМЧИЛИК,
ИНСОННИНГ ГАПИНИ ЮҚОРИГА, ПОДШОЛИККА ЁКИ
ХУКУМАТГА ЕТКАЗСА, ЧАҚУВ БЎЛАДИ.

са, тўғифига чиқмайдиган одам бўлмайди. Соч билан кўча супурилмайди, кўз ёши билан сув сепилмайди. Лекин ёр юрган кўчаларни супурай сочим билан, чанги чиқса, сув сепай кўзлардаги ёшим билан, деб куйланади. Буни лутф дейдилар. Завқи йўқ одам лутфни англамайди. Бир дўстимиз адабий танқидчи бўлди, лекин адабиёт нима эканини, гўзаллик нима эканини англамай хўмрайганча дунёдан ўтиб кетди.

Меҳмон отангдан улуғ, деганда биз, аввало, отани улуғлаймиз. Отадан азиз, отадан улуғ зотнинг йўқлигини муболаға воситаси билан тасдиқлаймиз.

Нега мен бу арзимас хатога ёпишиб олдим? Ган шундаки, одамларда тафаккур кучи ортгани сари тасаввур кучи камайиб бормоқда. Завқ-шавқ ўрнини совуқ ҳисоб-китоб эгалламоқда. Ақл ва юрак баҳсида ҳис-

жаларда сўзлашувчи бир ярим миллиардлик ҳалқни боғлаб турганек. Бизнинг ҳам кўхна ёзувимиз барҳаёт бўлиб, тараққий топгандага тилларимиз бу қадар йироқлашиб кетмас, қардош элларимиз мулокотида учинчи тил восита бўлмас эди. Бизлар ягона буюк тилнинг усмонли, ўзбек, қозоқ, қирғиз, татар, бошқирд, тыва, қорағиз шеваларида сўзлашардик. Ёзи жазира мағарифи Туркман чўлларидан то аёзи бешафқат Ёқутиягача поёнсиз маконда бизга тилмоч керак бўлмасди.

Бу армонни айтиш бугун энди жасорат эмас. Кеча бундай сўзлар пантуркизм тарғиботи деб баҳоланар, айтувчига омонлик йўқ эди. Дунёни ларзага келтирган Турк хоқонлиги, қудратли Амир Темур давлати Мағрибу Машриқ хотирасидан ўчиб кетмаган ва қондаги таҳлика унут бўлмаган. Шунинг учун ҳам дунё сиёсатининг жиловини тутиб турганлар паневропеизм, панславянизмдан эмас, пантуркизмдан чўйиидилар.

ШАХРИСАБЗА МАСЛАКДОШЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

Шаҳрисабз шаҳридаги йирик тўқимачилик корхонаси – “Оқсанор текстиль” масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда 700 га яқин маҳаллий йигит-қиз меҳнат қўлмоқда. Бу ерда пахтани қайта ишлаш қувватларидан унумли фойдаланган ҳолда йилига 7000 тоннадан зиёд ип калава тайёрланиб, таъминотчиларга етказилмоқда.

Яқинда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринbosари Дилшод Шоумаров мазкур корхонада бўлиб, иқтисодий имкониятлар, иш жараёнлари ҳамда ходим-

ташкилоти атрофидаги бирлашишса, нафақат меҳнат унумдорлиги, иш сифати юксалади, балки жамоадаги ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва эртаниги кунга ишонч ҳамда интилиш кучаяди.



ларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиди.

Мазкур жамиятда партия аъзолари ва хайриҳоҳлар сафи кенгайб бормоқда. Партия вакили бу ҳақда фикр билдирад экан, O'zLiDeP аъзоларини бир мақсаддада йўлида бирлаштириш учун тўқимачилик мажмуасида бошланғич ташкилот очиш ҳақидаги ёшлар тақлифи ни қўллаб-қувватлади.

– Корхонамизда сиёсий етук, шиҷоатли ва ташаббускор ёшлар жуда кўп, – дейди “Оқсанор текстиль” масъулияти чекланган жамияти директори Санжар Жабборов. – Агар улар бошланғич партия

албатта, ёш саноатчилиримиздан бундай таклиф чиқиши уларнинг сиёсий онги ва тафаккури юксалиб бораётганидан далолат бериб туриди.

Шунингдек, ип калавадан ички ва ташкилоти чекланган жамиятида махнат қўлаётган 300 дан зиёд йигит-қиз ҳам ана шу янги очилажак бошланғич партия ташкилотига бирлашиш истагини билдириди.

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Ҳудудларда

Туризм



ЭНДИ КЕЛИНГ БУХОРОГА!

Халқимизнинг бой ўтмиши, тафаккури ва истеъододи ҳозиргача сақланиб қолган маданий мерос объектларида мужассам. Қўлигул усталар томонидан барпо этилган бундай иншоотлар йиллар ва асрлар оша мағрур қад ростлаб туриди.

Бухоро вилоятида ҳозирги пайтда 130 дан зиёд ана шундай ноёб иншоотлар бор. Сайёҳлар уларни ҳамиша катта қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қиласди. Мозий усталари маҳоратига таҳсинлар ўқиди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони халқимиз бошига тушган синовли кунларда ҳам Ўзбекистонда сайёҳлик масаласи давлат аҳамиятига молик эканини исботлади. Фармон ижроси ўлароқ вилоядага қатор ютуқга эришилди.

Масалан, юздан ортиқ туроператорлар томонидан бир, икки ва уч кунлик туристик дастур(турпакет)лар тайёрланди

ва соҳа масъулларига етказилди. Қарабисизки, маҳаллий аҳоли вакилларидан 29 050 нафари шаҳар ва туманлар бўйлаб, 4 800 нафари эса вилоятлараро саёҳатда бўлиб қайтди.

Республикамизнинг бошқа худудларида истиқомат қилувчи 8 335 нафар ҳамюртимиз эса Бухорои шарифга келиб, унинг тарихий ва маданий ёдгорликлари, осори атиқалари, замонавий тураржой бинолари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишиди.

– Пандемия даври салбий оқибатларини юмшатиш ҳамда туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида шу кунгача вилоядаги 89 та мәҳмонхона ва транспорт хизмати корхонасининг 24,3 млрд. сўмлик кредит тўловлари муддати жорий йилнинг 1 октябрига қадар узайтирилгани, мәҳмонхона ва туроператорлар

учун мол-мулк ва ер солиги бўйича 78 та тадбиркорлик субъектига 1 228,8 млн. сўм миқдордаги солиқ имтиёзлари берилгани соҳа ходимларини янада самарали фаолият олиб боришга, сервис хизматини яхшилашга ундан турнибди, – дейди вилоят туризмни ривожлантириш департаменти раҳбари С. Бобокалонов.

Бугунги кунда 8 580 ўринли 366 та жойлаштириш воситалари, хусусан, 5 945 ўринли 151 та мәҳмонхона, 1 745 ўринга эга 178 та оиласий мәҳмон уйи ҳамда 880 ўринли 35 та хостел фаолият кўрсатмоқда. Валюта айрошиблаш шоҳобчалари, автоматлаштирилган банкоматлар сайёҳларга қулай шароит яратмоқда.

Айни кунларда умумий қиймати 664,3 млрд. сўмдан иборат 60 та жойлаштириш воситаси – 51 та мәҳмонхона, 9 та мотель қурилиши давом этяпти. Улар ҳам фойдаланишга топширилса, 1 103 та иш ўрни яратилди. Йил охиригача яна 11 та ана шундай масканни барпо этиш режалаштирилган.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI acp” мухбири

Андижон туманиндағи “Чорбог” маҳалла фуқаролар йигинига қарашли Ал-Бухорий кўчасида катта қатнов йўли мавжуд. Мазкур йўлдан ичимлик суви тортилган қувурнинг асосий қисми ўтган. Мана, бир неча ойдирки, қувурнинг ушбу қисмидан носозлик юзага келган.

Депутат танлашда адашмабиз деди маҳалла аҳли ичимлик суви муаммоси ҳал этилгач

– Ҳали у раҳбарга, ҳали бу масъул ташкилотга боравериб вақтимиз зое кетди, – дейди мазкур маҳалла фуқаролар йигини раиси Ферузахон Ниязова. – Маҳалламида яшайдиган 2336 нафар фуқаронинг 198 нафари Бухорий кўчасида истиқомат қиласди. Табиийки,

аҳоли вакиллари шу муаммо сабабли ичимлик суви танқислигидан жуда қийналишиди. Ахир, осон эмас-ку, олис ма соғадан сув ташиб келтириб фойдаланиш. Яхшиям, депутат танлашда адашмаган эканмиз. Уларнинг кўмаги билан муаммо бартараф этилди.

Дарҳақиқат, ҳалқ депутатлари Андижон туман кенгаши депутати Шуҳратбек Бозоровга қилинган мурожаат тез ечимини топди. Ичимлик суви қувурнинг ёрилган қисми чиндан ҳам яхшигина таъмиринга муҳтоҷлиги депутатни сергаклантириди. Туманнинг мазкур қисми Ан-

дижон шаҳри тасарруфида бўлгани боис депутатлик сўрови “Сувоқова” Андижон шаҳар бўлимига юборилди. Мутасадидилар дарҳол ҳушёр тортдилар. Носозлик баратараф этилди.

O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Қадим шаҳарда бунёдкорлик авжида

Мамлакатнинг барча бурчакларида эртанги кун эгалари бўлмиш навқирон авлод вакиллари таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжинириング компанияси ДУК Бухоро вилояти филиали буюртмачилигида жойлардаги 30 та муассасада қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилаётгани диққатга сазовор.

- Жорий йил инвестиция дастурига кўра ишланаётган архитектура лойиҳаларида ҳудуд иқлими ва архитектурасига жиддий аҳамият қаратилиши кўрсатиб ўтилган, - дейди, мазкур филиал директори Фозилжон Тангриев. - Эътиборли жиҳати шуки, ушбу лойиҳалар янги инновацион технологиялар асосида амалга оширилиши йўлга кўйилди. Бу борада, аввало, заҳматкаш бинокорларнинг хизматини алоҳида таъкидлашни истардим. Жумладан, Бухоро туманидаги Арабхона қишлоғида янги, замонавий, кўркем 10-MTT болажонлар маскани барпо этилди. Мазкур 120



ўринли боғчада ошхона, ёзги ўйин майдончаси, ҳар бир гурӯҳ хоналарида алоҳида машгулот ва ётоқхоналар ташкил қилингани эътиборга мөлкӣdir. Яна бир ажойиб жиҳати, болажонлар нафақат таълим-тарбия олишади, балки қайтмас болаликнинг энг гўзал эрмаги – турли ўйинлар

билин машғул бўлишлари учун барча шароитлар яратилган. Ушбу замонавий масканнинг қад ростлашида моҳир қурувчи Раҳмон Эшов бошчилигидаги "Раҳмон Жамшид" МЧЖ қурувчилари фидоиийлик кўрсатишиди.

Яна бир ибратли ишлардан бири. Жондор туманидаги Ўрикзор қиши



логидаги болакайлар шу пайтгача ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган эски бинода тарбиялашишарди. Эндиликда эса бу ҳудудда ҳам инвестиция лойиҳаси доирасида 90 ўринли 29-мактабгача таълим ташкилоти барпо этилгани қишлоқ аҳлини беҳад кувонтириди. Шунингдек, Бухоро

шаҳридаги 72-MTT биноси эски ва фойдаланишга яроқсиз ҳолатда эди. Шу боис, бу маскан ҳам ҳозир давлат дастурига асосан реконструкция қилинмоқда. 150 ўринли муассасада кичконтойларнинг ҳар томонлами баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратиляпти.

Боғчани сифатли, архитектура қурилиш талаблари асосида ўз муддатида бунёд этишни "ИТК Галаосиё Соҳтимон" МЧЖнинг жонкуяр қурувчилари зиммасига олишган. Айни чоғда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, энг сўнгги пардоzlаш юмушлари давом этмоқда.

Реклама

Кичконтойларга аталган тұхфалар



Президентимизнинг "2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг иjtимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида" ги қарори юзасидан жойларда қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.



Суратда (чапдан ўнгга): "Elektro-motors" МЧЖ мұхандиси Искандар Араббоев ва уста Мирзаакбар Аъзамов.



3,1 миллиард сүмлик 120 ўринли 19-MTT биноси қад күттарди. Бу ерда қурилиш-монтаж ишлари тугалланиб, пардоzlаш якунига етказилмоқда.

Оҳангарон туманидаги Ялпоқтепа маҳалласи болажонларининг ҳам қувончи чекисиз. Боиси, энди улар барча шароитлари мавжуд янги 5-мактабгача таълим ташкилотида мактабга тайёргарлик қуришади. Ушбу муассаса "Күшон дизайн қурилиш" МЧЖ қурувчилари саъй-харакати билан барпо этилиб, фойдаланишга топширилишга шай ҳолатга келтирilmокда.

Сахифани "XXI asr" мұхбири Юнусали ОЧИЛДИЕВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжинириинг компанияси Тошкент вилоят филиали буюртмаси асосида жойлардаги таълим-тарбия масканларида бинокорлик ишлари олиб борилаёт.

- Пандемия боис қурилиш-монтаж жараёни сал кеч бошланганига қарамай, обьектлар ўз муддатида фойдаланишга топширилади, - дейди филиал директори Ўқтам Саидов. - Масалан, Қибрай тумани Байтқўргон

маҳалласидаги болажонлар учун замонавий кўринишдаги 210 ўринли 25-MTT биноси қайта қурилиб, реконструкция қилинмоқда. Мазкур ишшото моҳир қурувчи Исмоил Жалилов бошчилигидаги "Elektro-motors" МЧЖ жамоаси томонидан барпо этилмоқда. Ҳар ишда мешақатлар бўлгани сингари бу ерда аввал қурувчилар ер ишларини бошлашда қийинчиликка дуч келишди. Шунга қарамай, бинокорнинг билим-салоҳияти билан

барчаси ортда қолди. Айни дамда бу ерда бино деворлари билан боғлиқ ишлар тугалланмоқда.

Янгийўл туманидаги Умид маҳалласи болажонлари энди янги 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотида тарбия олишади. Ушбу масканни 3,8 миллиард сүм эвазига "Кўхинур мадад ҳамроҳ" хусусий корхонаси бинокорлари бунёд этишни зиммасига олишган. Кўшёғоч маҳалласида ҳам инвестиция дастурига кўра қиймати

Юртимизда
дунёга келган ҳар
бир чақалоққа
суюнчи пули
берилади.
Аммо 2020 йил
1 июлда
Бувайдада туғилган
болакай ҳанузгача
шу моддий
күмақдан бенасиб
қолмоқда.



Бувайдада суюнчи пули берилмайдими?

Маълум бўлишича, ФХДЁ идораси рўйхатни давлат хизматлари марказига беради. ДХМ эса маълумотларни фуқаронинг аризасига асосан "Халқ банки"нинг тегишли бўлимига жўнатади. Суюнчини ота ёки она шахсан келиб, олиб кетиши керак.

Бувайда тумани "Пишағар" МФЙ

учули қишлоғида туғилган чақалоқнинг ота-онаси "Халқ банки"нинг Бувайда ва Учкўприк филиаллари ўртасида сарсон бўлмоқда. Шу орада яна ФХДЁ ва ДХМга ҳам бош суқиб ўтади. Уларнинг базасида чақалоқнинг исм-фамилияси кўринади, "Халқ банки"нинг Бувайда филиалида эса аксинча. Банк ходимасининг

айтишича, база янги эмиш, шунинг учун суюнчи пули берилмаётганниш.

Мутасадди ташкилотларга савол: уч ярим ойлик чақалоққа қачон суюнчи берасизлар? Ота бугун ўша пул керак эмас, деб банкдан жаҳл билан чиқиб кетди. Ёки ҳамма шундай йўл тутишини кутяпсизларми?

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Ёлғиз қолган ота

Ҳаётӣ воқеа

Бу воқеани эшитганимда бутун вужудим зирқираб кетди. Наҳотки шундай фарзандлар бор? Ота-она ўн болани боқа олар экан-у, ўн бола бир ота-онани боқолмас экан.

Маҳалламида Азимжон ота деган мўйсафи бўлар эди. Кўримсизгина, деворлари нураб қолган уйда ёлғиз яшарди. Ош-овқатини ҳам, кирларини ҳам, супур-сиидирни ҳам ўзи қиласди. Қўшилар аҳилмиз. Бир кун уни миз, бир кун бунимиз, дегандек хабар олиб турамиз.

Фарзандлари йўқ-дир-да, деб ўйлаётган-дирсиз? Бир ўғил, бир қизи бор. Ўғли бир ҳафтада бир келиб, бозорлик ташлаб кетади. Қизи эса чет элда...

Азим ота ҳар доим

ҳам қўни-қўшниларнинг хабар олишини ёқтиравермасди. Ўғлим уришади, кирманглар, дерди. Маҳалла раиси отаҳоннинг ўғлини топиб гапирди ҳам фойдаси бўлмади.

Азим ота бир куни "Мени эртага ўғлим дўхтирга олиб бора экан. Овқат олиб чиқиб юрманглар", деб қўшиларга бир-бир айтиби.

Эртасига қарасак, дарвозасига қулф осилган. Ростдан ҳам ўғли олиб кетибида-да, инсоф киргани чин бўлсин, деб ҳаммамиз қувонибиз.

Икки кун ўтди. Ота-

нинг ҳовлисидан қўланса ҳид кела бошлади. Ўтган-кетган бурнини беркитиб ўтади. Қўшилар ҳайрон бўлиб, дарвозани бузуб кирдик... Не кўз билан кўрайлики, Азим ота иягини ўзи боғлаб, нариги дунёга риҳлат қилган экан. Ҳамма ютур-ютур қилиб қолдик. Биримиз маҳаллага, биримиз қабристонга, биримиз тез ёрдамга. Ўғлини ҳам топиб келдик. Ҳуллас, отани ерга қўйдик...

Бу воқеага ҳам, мана, икки йилча бўлди. Ҳозир ўша нураб ётган уйнинг ўрнида қаср кўтарилимоқда. Отаси тириклигида ишининг кўплигидан, тириклилик важидан бўшай олмаётган ўғил энди ҳар куни шу ерда...

Абдураҳим АЛАМОВ

Биздаги номаълум вирус (ковид демаймиз) сукларда қақшаш, оғриш пайдо қиласяпти, иккетар ҳам кузатиляпти, таъм ва ҳид билиш йўқоляпти, иситма ҳам чиқяпти. Лекин айримларда айрим симптомлар кузатиляпти.

танасида сезилаётган қасаллик аломулларидан қўрқиб, ваҳимага тушганини кўрмадим. Ҳатто ҚВП шифокори беморларни ниқоб тақмай қабул қилаётир. Ноҳушлик тезда

улардан кўпайган авлод ўттиздан ортиқмиз...

Ўша олис йиллари ҳам ота-онам шифохона деб туман маркази ва шаҳарга катнарди, уларнинг авлодлари, бизлар ҳам бугун



Ҳеч ким касал бўлмасин

Беморлар тез, икки-уч кунда тузаляпти.

ҚВПга оқ елим халтада дори-уқол кўтариб келаётганлар нисбатан кўпайган. Бизнинг ҳудудлардан оғир аҳволда туман шифохонасига ётқизилган bemor ҳақида, Ҳудойим асрасин, ҳали эшитмадим. Ҳеч ким

ўтиб кетишини, ҳеч қандай қўрқадиган жойи йўқлигиги яхшилаб тушунтияпти.

Кейинги эллик йилда бизнинг қишлоқлардаги аҳоли етти-тўқиз баробар ошди дейиш мумкин. Масалан, ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари онам ва дадам бор эди, ҳозир эса

шифо истаб туман маркази ва шаҳарга борамиз. Кейинги ўттиз йилда туманинида, хусусан, шаҳар тусини олаётган қишлоқ жойларда янги шифохона қурилганини эслай олмаяпман. Шифохоналар сонини кўпайтириш зарур...

Рахимжон РАҲМАТ

М. С. Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежини ҳамширалик иши йўналиши бўйича тамомлагани учун давлат аттестация комиссиясининг 2007 йил 30 июндаги қарорига асосан Эшанова Ширин Азизовнага берилган имтиёзли, К № 065214 рақами диплом йўқолгани маълум қилинади.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Нодир Жумаевга онаси Ҳабиба ая Жумаеванинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
XXI ASR
ИТИМОЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА
HAFTALIK NASHR

Таҳрир ҳайъати:
Акрам ХАИТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАФОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирохидин САЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Бош мұхаррір
Норқобил ЖАЛИЛОВ
Фаррух ЖАББОРОВ
Бош мұхаррір
ўйрінбосары

Таҳририят мансизи:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73⁴-й.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(төл./факс).
Обуна ва реклама
бўлами – 71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигига 2011 йил 14 июнда 0009-рақами
билин рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаба акциздорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона мансизи:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-й.
Газета оғсет усулида, А-3 форматидаги
босилди. Ҳажми – 3 босма табоб.
Буюртма рақами: Г – 1058 Тираж: 2498
Баҳоси келишилган нарҳда.
ЎзА якуни – 21:50
Топширилди – 23:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз
қўлини майди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўроатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида
териди ҳамда дизайнер

Маъруфхон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

123456

Навбати мұхаррірлар:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
Бекзод ИСРОИЛОВ.

Она тилим

Дунёда тиллар кўп сўзламоқ учун,
Ҳар бири гўзалдир, ҳар бири аъло.
Ҳар бири англатар асли ўзликни,
Она тилим асли тенгсиз, бебаҳо.

Не-не синовларни кўрган бу олам,
Ғанимлар бетиним тошлар отдиilar.
Боболар жон берib курашган дамда
Баъзилар тириклай тилни сотдиilar.

Момоларим ийғлаб қон ютган тилим,
Гоҳи мағлуб, гоҳи голиб ўзингсан.
Бу дунёда ўзбек деган миллиятнинг
Шараф-шони, соф иймони сўзисан.

Яшнаб, гуллаётган она юртимда,
Тинчлик, омонлиқда яшасин дилим.
Сенсиз яшолмаймиз ҳатто бир нафас,
Қадринг баланд бўлсин, эй она тилим!

Мунаввар БОЛТАЕВА

Фарғона вилояти
Шоҳимардан қишлоғи